

**Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ва тизимости корхоналарида  
2023 йил давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга  
оширилган ишлар тўғрисида  
ҲИСОБОТ**

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигида 2023 йил давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширадиган чора-тадбирлар Дастурида белгиланган вазифалар доирасида тегишли тадбирлар амалга оширилди.

Ҳисобот даврида 70 та белгиланган тадбирдан 47 та тадбир белгиланган муддатларда амалга оширилган, 17 та тадбир бажарилиши доимий амалга ошириб келинмоқда, 5 та тадбирлар ер қабри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномалар бериш билан боғлиқ жараёнларни амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини ўрганиш ҳамда мониторинг ўтказиш тадбирлари мазкур фаолият “Ер қабридан фойдаланиш маркази”га ўтказилганлиги сабабли, ушбу тадбирлар Марказ Ички назорат бўлими томонидан амалга оширилган ва 1 та чора-тадбир (Кон-геология вазирлиги ва Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандумини имзолаш) 2024 йилги Дастурига ўтказилмоқда.

Кон-геология вазирлигида коррупциявий ҳолатларни олдини олиш мақсадида ишонч телефони ва телеграм бот канали, расмий веб сайтида эса “Коррупцияга қарши курашиш” бўйича алоҳида саҳифа очилган ва унда соҳага оид меъёрий ҳужжатлар ва янгиликлар ёритиб берилмоқда.

Коррупцияга қарши талаблар ва ахлоқий меъёрларга ва қонун ҳужжатларига қатъий амал қилишга доир бевосита Кон-геология вазири томонидан 2 та тадбир ўтказилди ва унда тизим корхоналарида мазкур соҳадаги камчиликлар қайд этилди ва тегишли топшириқлар берилган.

Бундан ташқари, ички меъёрий ҳужжатлар Тўпламида ва Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг расмий веб-сайти орқали барча ходимлар ва ҳамкорларга Кон-геология вазирлигининг коррупцияга биргаликда қарши курашиш бўйича Мурожаати етказилди.

Вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари томонидан соҳага оид 8 та тадбир ўтказилган ва унда Вазирлик ва тизим корхоналарида мазкур соҳадаги амалга оширилаётган ишлар қайд этилиши билан бирга, ходимларнинг мазкур соҳадаги билим ва кўникмаларини оширишга доир давра суҳбатлари ўтказилган.

Бугунги кунда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ва тизим корхоналари – “Олмалик КМК”, “Навоий КМК”, “Ўзметкомбинат”, “Ўзбеккўмир”, “Ўзбекгеофизика” ва “Ўзбек геология қидрув”АЖлари, “Регионалгеология”, “Ўзбекгидрогеология” ДМ, “Навоийуран” ДК ҳамда “Ер қабридан фойдаланиш маркази”, Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университети, “Геология фанлар университети”, “Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти”, “Минерал ресурслар институти”, “Нефть ва газ конлари геологияси ва қидируви институти” давлат муассасаларида коррупцияга қарши Ички назорат бўлимлари очилган ва жами 30 га яқин масъул ходимлар фаолият юритиб келмоқда.

2023 йилда Кон-геология вазирлиги, “Ўзбекгеофизика” ва “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими ISO 37001:2016 ва O`z DST ISO 37001:2019 мувофиқлик сертификатларини қўлга киритди.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар Дастурига мувофиқ қуйидаги ишлар амалга оширилди.

## **1. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигида коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсат ва тартиб-таомиллар.**

Ҳисобот даврида коррупцияга қарши курашиш бўйича ички меъёрий ҳужжатлар ва тартиб-қоидалар, яъни “Коррупцияга қарши сиёсати”, “Одоб-ахлоқ кодекси”, “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати”, “Совға бериш ва қабул қилиш сиёсати” каби соҳага оид **20 дан** ортиқ ички меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хусусан, 2023 йилнинг 30 март куни Вазирлик томонидан 15-сон буйруқ билан “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби” қабул қилинди.

2023 йил 15 июнь куни 54-сон буйруқ билан давлат харидларига оид тартиб-таомиллар ҳамда 24 октябрь куни 109-сон буйруқ билан фуқароларни вақтинча ишга ёллаш, ходимларни ротация қилишда коррупцион омилларни бартараф этиш бўйича ички ҳужжатлар қабул қилинди.

Юқоридаги барча ички меъёрий ҳужжатлар электрон тарзда ахборот олиш учун Вазирликнинг ички тармоғи ва расмий-веб сайтида жойлаштирилди.

Бундан ташқари, ISO 37001:2016 халқаро стандарти 7.3 (хабардорлик) банди талабларига мувофиқ коррупцияга қарши курашиш соҳасига оид ички меъёрий ҳужжатлар Тўплам сифатида чоп этилди ва барча ходимларга тарқатилди, таништириш ва тушунтириш ишлари амалга оширилмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, барча тизимости корхоналарида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишга доир 10 дан ортиқ ички меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, ички буйруқлар билан тасдиқланган ҳамда ходимларни таништириш ишлари якунига етказилиб, ҳозирда амалиётга татбиқ этиш ишлари амалга оширилмоқда.

## **2. Кон-геология вазирлигида коррупциоген хавф-хатарларни баҳолаш ва шу соҳадаги ўтказилган ички аудит натижалари.**

Кон-геология вазирлигида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларни олдини олиш ва чек қўйиш, коррупция оқибатларини, шунингдек, ушбу иллатга имкон берувчи барча сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида 2023 йилнинг 28 август кунидаги 85-сон буйруқ асосида Вазирлик таркибидаги 7 та бошқарма ва 17 та бўлимлар фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар коррупцияга қарши аудитдан ўтказилди ҳамда соҳада қабул қилинган қонунчилик ва ички меъёрий ҳужжатлар тўғрисида хабардорлик бўйича ходимлар ўртасида сўровнома ўтказилди.

Аудит жараёнида Кон-геология вазирлиги ижро аппарати ходимларида коррупция, манфаатлар тўқнашуви тушунчаси, коррупцияга қарши курашиш бўйича 37001:2016 халқаро стандарти ва соҳада қабул қилинган қонунчилик ва ички меъёрий ҳужжатлар тўғрисида хабардорлик, коррупция ҳолатларига дуч келганда (совға бериш ёки пора таклиф қилганда) ходимнинг ҳатти-ҳаракатлари, Коррупцияга қарши курашиш бўлими вазифалари ҳамда Вазирликда коррупцияга қарши курашиш, олдини олиш, мазкур соҳани такомиллаштириш бўйича мавжуд таклифлар олишни қамраб олган сўровнома ўтказилди.

Мазкур тадбирда 83 та (70%) ходим иштирок этди. Улардан 7,2% коррупция тўғрисида, 21,7% манфаатлар тўқнашуви тўғрисида, 15,7% соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари тўғрисида, 41,0% ички меъёрий ҳужжатлар тўғрисида маълумотга эга эмаслиги аниқланди ва натижада мазкур тушунчалар, ҳужжатлар тўғрисида тушунтириш ишларини кўпайтириш, ходимларга ахборот материалларини тарқатиш, шу мавзуларда семинар ва тренинглар ўтказиш зарурлиги маълум бўлди.

Вазирлик ходимлари коррупция ҳолатларига дуч келганда 57,8% ходимлар раҳбарият ва Ички назорат бўлимини хабардор этиши тартибига амал қилиши маълум бўлса-да, қолган 42,2% ходимлар қисман ёки умуман бу ҳолат тўғрисида маълумотга эга эмаслиги инobatга олган ҳолда 2023 йил 25 май кунидаги 46-сон буйруқ билан коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш тартиби ходимларга етказилди.

Аудит жараёнида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмлари ишлаб чиқиш мақсадида Вазирлик ижро аппаратидаги барча лавозимлар таҳлил қилиниб, коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар асосида Кон-геология вазирлигида коррупциоген хавф-хатарлар харитаси тузилди. Унга кўра, Кон-геология вазирлигининг 71 та лавозимларда коррупциявий хавф-хатарлар мавжудлиги, шундан 12 тасида коррупция хавф-хатари “Юқори” бўлган лавозимлар, 36 тасида “Ўрта”, 23 тасида “Паст” лавозимлар қайд этилган.

Бу йўналишдаги ишлар алоҳида Иш режа асосида давом эттирилиши бегиланди ва юқорида таъкидланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида 2023 йилнинг 18 ноябрь куни Вазирликнинг 107-сон буйруғи қабул қилинди.

Шунингдек, Вазирликнинг коррупциоген хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати шакллантирилиб, коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чоралари ишлаб чиқилди ва масъул ижрочилар ва тадбирлар муддатлари белгиланди.

Бундан ташқари, аудит жараёнида Вазирликнинг муҳити, манфаатдор томонларнинг талаблари, хатарлар ва имкониятлар, Вазирликнинг коррупцияга қарши менежмент тизимига манфаатдор томонларнинг таъсири, Вазирлик коррупциявий хавф-хатарлари баҳоланди.

Тизим ости корхоналари - “Олмалик КМК”, “Ўзметкомбинат”, “Ўзбеккўмир” АЖ, “Ўзбек геология қидирув”, Ўзбекгеофизика” АЖлари, “Ўзбекгидрогеология”, “Регионалгеология” ДМ, Геология фанлар университети ва “Ер қаъридан фойдаланиш маркази” ДКларида коррупциоген хавф-хатарларни баҳолаш жараёни амалга оширилган.

### **3. Тизимда манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилди.**

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигида тасдиқланган “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом” талаблари асосида коррупциоген омилларни барвақт олдини олиш, уларни бартараф этиш мақсадида Вазирликнинг барча ходимлар томонидан йилига бир марта манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш шакли (декларация) тўлдирилиши белгилаб қўйилган. Шу мақсадда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ижро аппаратининг барча ходимлари 2023 йил учун манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш шаклини (декларация) тўлдиришди ва барча ҳолатлар вазирликнинг Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, тегишли хулоса ва таклифлар берилди.

Тўлдирилган декларациялар Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан таҳлил қилинганда, Вазирликнинг **4 та** ходими **5 та** тадбиркорлик субъектларида ўз улушига эга ёки унда раҳбар лавозимларини эгаллаганлиги, **5 та** ходимлар тизимости корхонаси ва тадбиркорлик субъектларида ўриндошлик асосида ишлаб келаётганлиги, **8 та** ходимларда Вазирлик ва тизимости корхоналари ҳамда ҳамкор ва контрагентларда яқин қариндошлари борлиги маълум бўлди.

Вазирлик ходимларига тегишли тадбиркорлик субъектлари Кон-геология вазирлиги ва тармоқ корхоналари билан 2022-2023 йилар давомида ўзаро шартномавий муносабатларни амалга оширмаган.

Шу билан бирга, ходимларга амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ 2023 йилнинг 30 август кунига қадар уларнинг шахсий манфаатдорлиги бўлган ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган ҳолатларни бартараф этиш мақсадида тадбиркорлик субъектида раҳбарлиги ёки таъсисчилигидан воз кечиш чоралари кўрилди.

Вазирлик Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ барча ҳолатлар кўриб чиқилганда, декларация тўлдирган 123 та ходимлардан **12 тасида** эҳтимолий ва **1 та** ходимда ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолат қайд этилди.

Вазирликда коррупциоген омиллар олдини олиш ҳамда мазкур ҳолатларни 2023 йилнинг 1 август кунига қадар баратараф этиш тўғрисида Кон-геология вазирининг 51-сон буйруғи қабул қилинди.

Манфаатлар тўқнашувини декларациялаш натижаси бўйича маълумот Вазирлик расмий веб-сайтига жойлаштирилди.

Тизимости корхоналари – “Олмалик КМК”, “Навоий КМК”, “Ўзметкомбинат”, “Ўзбеккўмир” АЖ, “Ўзбекгеофизика” ва “Ўзбек геология қидрув” АЖлари, “Регионалгеология”, “Ўзбекгидрогеология”, “Геология фанлар университети”, “Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университети”, “Ер қаърида фойдаланиш маркази” ДМларининг ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида декларациялар тўлдирилган.

Мазкур тадбирлар натижасига кўра Кон-геология вазирлиги ва тизимости корхоналарида жами **109 та** ҳолатда ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатлар қайд этилди ва уларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди (*бошқа лавозимга ўтказиш, бевосита буйсинувни*

*ўзгартириш, тадбиркорлик субъектларида раҳбар лавозимлардан ёки ўз улушидан воз кечиш ва ҳ.к.).*

**4. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ва тизимости корхоналарида харидларни ташкил этиш соҳасида қуйидаги тадбирлар амалга оширилган.**

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан 2023 йилнинг 31 декабрь ҳолатига жами **13,9** млрд. сўмлик жами **263** та шартномалар расмийлаштирилган. Шулардан 217 таси электрон дўкон, 1 таси аукцион, 6 таси кооперация портали орқали, 39 таси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сонли қарори талаблари асосида шартнома имзоланган. Тўғридан тўғри ягона етказиб берувчилар билан тузилган шартномаларга коррупцияга қарши курашиш бўйича қўшимча бандлари киритилмоқда.

Мазкур тузилаётган шартномаларни ташаббускор томонидан контрагентларни ўрганиш орқали унинг ишончлилиги, молиявий барқарорлиги, давлат амалдорлари билан алоқадорлиги, манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини текшириш орқали бўлиши мумкин бўлган хавфларни камайтириш ишлари **15** та шартномаларда амалга оширилди ва тегишли хулосалар тақдим этилган.

Тизимости корхоналари томонидан 2023 йилнинг 31 декабрь ҳолатига жами **37 378** та шартномалар Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сонли қарори талаблари асосида тузилган.

Шундан, тўғридан тўғри ягона етказиб берувчилар билан тузилган шартномалар **2 421** тани ташкил этади ва уларга коррупцияга қарши курашиш бўйича қўшимча огоҳлантириш бандлари киритилмоқда. Мазкур тузилаётган шартномаларни ташаббускор томонидан контрагентларни ўрганиш орқали унинг ишончлилиги, молиявий барқарорлиги, давлат амалдорлари билан алоқадорлиги, манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини текшириш орқали юзага келиши мумкин бўлган хавфларни камайтириш бўйича ишлар **2153** та шартномаларда амалга оширилган ва тегишли хулосалар тақдим этилган.

Харидлар жараёнида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида “Олмалик КМК” АЖда 3,0 млн. АҚШ долл., “Навоий КМК” АЖ 7,0 млрд. сўм ва “Ўзметкомбинат” АЖ 8,2 млрд. сўм, “Ўзбекгеофизика” АЖ – 1,3 млрд. сўм, жами тизимости корхоналарида **17,7** млрд. сўм ва **3,0** млн. АҚШ долл. миқдоридаги пул маблағлари иқтисод қилинган.

**5. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ва тизим ости корхоналарида ишга қабул қилиш жараёни қонунчиликка мувофиқлиги ва меҳнат муносабатларида амалдаги қонунчилик бузилиш ҳолатлари.**

Мазкур йўналишда коррупциоген омилларни бартараф этиш мақсадида Вазирлик бўш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар доимий равишда расмий веб-сайтга ва Давлат хизматларини ривожлантириш агентлигининг “vacancy.uz” сайтида бериб борилмоқда. Ҳисобот даврида 31 та лавозимга фуқароларни ишга олиш очик танлов ва “Argos” тизими орқали тест синовлари амалга оширилган

ҳамда ўтказилган синов тадбирларини Интернет орқали реал вақт режимида кузатиш таъминланган.

Шу билан бирга, “Ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома” асосида **31 та** номзод ўрганилган ва тегишли хулосалар берилган.

Вазирликнинг коррупцияга қарши сиёсати талаблари асосида ходимларнинг меҳнат шартномасига коррупцияга қарши қўшимча огоҳлантириш бандлари киритилган.

Меҳнат муносабатларида қонун бузилиш ҳолатларини ва алоқа каналлари орқали юборилган мурожаатларни ўрганиш мақсадида ҳисобот даврида вазирлик ва тизимости корхоналарида жами **196 та** хизмат суриштирувлари ўтказилган, натижалари бўйича тегишли хулосалар тайёрланган ва тегишли чора-тадбирлар қўрилган.

Хусусан, тизимости корхоналарида аниқланган ҳолатлар юзасидан ҳуқуқ-тартибот органларига жами **83 та** ҳужжатлар тўплами тақдим этилган, улар томонидан **17 та** жиноят (“Ўзметкомбинат” АЖ 15 та, “Навоийуран” ДК 1 та, “Регионалгеология” ДМ 1 та) ишлари қўзғатилган, ички меъёрий ҳужжатлар талабларини бузган тизимости корхоналарининг **376 та** ходимига интизомий жазо қўлланилган ва **55 та** ходим эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган.

## **6. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ва тизим корхоналарида коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш.**

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигида коррупцияга қарши курашиш бўйича тасдиқланган Дастурга мувофиқ тизим корхоналарида коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш режалаштирилган.

Мазкур режага мувофиқ тизим корхоналари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги чора-тадбирларни таҳлил қилиш ҳамда соҳага оид ички меъёрий ҳужжатларни татбиқ этиш ва тармоқ корхоналаридаги Ички назорат бўлими ходимларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳисобот даврида “Ўзбек геология қидирув”, “Ўзбекгеофизика” АЖлари, “Ўзбекгидрогеология”, “Регионалгеология” ва “Навоийуран” ДКлари ҳамда Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси Шимолий минтақавий бошқармасида мониторинг тадбирлари ўтказилди. Натижаси бўйича тегишли таклифлар ва амалий ёрдам кўрсатилган.

Ҳозирги кунда ушбу аниқланган ҳолатлар бартараф этиш ва кейинги давларда такрорланмаслик учун тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинган.

## **7. Ходимларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш, коррупцияга нисбатан тоқатсизлик принципини шакллантириш мақсадида ўтказилган профилактик тадбирлар ва мазкур соҳада малака ошириш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди:**

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигида коррупцияга қарши курашиш бўйича тасдиқланган Дастурга мувофиқ Вазирликнинг “Коррупцияга қарши сиёсати”, “Одоб-ахлоқ кодекси”, “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича

Низом” ва “Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигида совғалар бериш ва олиш, вакиллик харажатларини амалга ошириш бўйича Сиёсати” талаблари асосида тушунтириш-профилактик тадбирлари ўтказилди.

Вазирлик ходимларига коррупция тушунчаси, мазкур соҳадаги қонунчилик талаблари, коррупциявий ҳаракатлар учун жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларни етказиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасида ходимларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини доимий равишда юксалтириш мақсадида 2023 йилнинг 5 май куни Ички ишлар вазирлиги, 23 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, 28 сентябрь куни Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, 28 ноябрь куни Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Адлия вазирлиги масъул ходимлари иштирокида коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида Вазирлик биносида семинарлар ўтказилган.

Тизимга коррупцияга қарши ISO 37001:2016 халқаро стандарти талабларини жорий этиш мақсадида “CERT Academy Group” халқаро теренинг компанияси мутахассисларини жалб этган ҳолда Вазирликнинг **19 та** ходимлари ва **46 та** тизимости корхоналарининг ходимлари иштирокида ўқув курслари ташкил этилди ва тегишли сертификатлар олинган.

2023 йилнинг ноябрь ойида ходимларида коррупцияга оид билимларини баҳолаш мақсадида тест синовлари ўтказилди ва унда Вазирликнинг 108 нафар ходимлари тест синовларида қатнашди. Тест саволлари натижасида аниқланган кўрсаткичлар асосида ходимларнинг кейинги ўқув семинарларида тушунтириш профилактик тадбирлар йўналиши белгилаб олинди.

Ҳисобот даврида Вазирлик ва тизим корхоналари ходимларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш мақсадида Ички назорат бўлинмалари ходимлари томонидан жами **444 та** тушунтириш-профилактик тадбирлари амалга оширилди.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан “Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияни олдини олиш ва комплаенс-назорат тизимини самарали жорий этиш” мавзусида ўтказилган семинарда Вазирликнинг Коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи қатнашган ва тегишли сертификат олинган.

**8. Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик соҳасида қуйидаги ишлар амалга оширилди:**

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги расмий сайтида учта (ўзбек, инглиз, рус) тилларида коррупцияга қарши курашиш саҳифаси очилган ва бу йўналишдаги ички меъёрий ҳужжатлар жойлаштирилган ҳамда тизимда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар доимий ёритиб борилмоқда. Жумладан, ҳисобот даврида тизим корхоналари томонидан оммавий ахборот воситалари ва расмий веб-сайтлари орқали жами **324 та** соҳага оид материаллар жойлаштирилган. Хусусан, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги 13 та, “Олмалик КМК” АЖ – 78 та, “Навоий КМК” АЖ – 12 та, “Ўзбеккўмир” АЖ – 51 та, Навоий давлат кончилиги ва технологиялар

университети - 55 та, Геология фанлар универстети - 39 та, “Ўзметкомбинат” АЖ - 30 та, “Ўзбек геология қидирув” АЖ - 27 та, “Ўзбекгидрогеология” ДМ 14 та, “Ўзбекгеофизика” АЖ ва “Ер қаъридан фойдаланиш маркази” ДК – 13 тадан, Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси - 3 та, “Регионалгеология” ДМ - 7 та материалларни жойлаштирган.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш соҳасида баннерлар, кўргазмалар стендлар тайёрланди. Уларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида ахборот материаллари, ишонч телефони ва электрон почта тўғрисидаги маълумотлар оммалаштириш мақсадида жойлаштирилган.

Кон-геология вазирлиги ва тизим ости корхоналарида аниқланган коррупция ҳолатлари ҳақида хабар бериш учун @geoantikorbob “Телеграм-бот” канали ишга туширилди. Мазкур телеграм-бот орқали коррупцион ҳолат бўйича мурожаат юбориш ва алоқа маълумотларини олиш имконияти яратилган бўлиб, ҳар бир юборилган мурожаат рўйхатга олинди, ушбу бот орқали мурожаатчини хабардор қилиб туриш имконияти мавжуд.

Коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича 2023 йилга мўлжалланган Дастурда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ҳар чоракда ҳисобот тайёрланиб, “Е-anticor.uz” платформаси орқали Коррупцияга қарши курашиш агентлигига ҳамда ёзма равишда Ҳисоб Палатасига юборилмоқда.

### **Аноним сўровнома.**

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ва унинг тизимости корхоналарида коррупция ҳолати, тенденциялари ва сабаблари, коррупцияга қарши кўрилган чоралар самарадорлиги тўғрисида жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича аноним сўров ўтказилди.

Шу мақсадда 10 банддан иборат саволлар тузилиб, жамоатчиликнинг Тоғ-кон саноати ва геология корхоналари фаолиятига муносабати, соҳада коррупцияга қарши курашиш ва шаффофликни таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган ишлар ҳолати юзасидан саволлардан иборат “Жамоатчиликнинг қончилиги ва геология корхоналари фаолиятига муносабати, соҳада коррупцияга қарши курашиш ва шаффофликни таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган ишлар ҳолати юзасидан сўровнома” “<https://t.me/uzdavgeolcom>” телеграм каналига жойлаштирилди.

Ўтказилган аноним сўровномада 100 га яқин обуначилар қатнашди. Натижаларга кўра, сўровномада қатнашган иштирокчиларнинг 32,1 % ходимлар билан ишлаш бўлимида, 19,2% харидлар бўлимида, 14,1 % ер қаъридан фойдаланувчиларни назорат қилиш бўлимларида, 19,2 % бошқа тузилмаларда, 10,3 % геология қидирув ишлари тузилмаларида, 5,1 % инвестиция лойиҳалари билан ишлаш бўлимларида коррупцион омиллар борлиги ва мазкур соҳаларда ислохотлар олиб бориш лозимлиги қайд этилган.

Қончилиги ва геология корхоналари фаолиятига муносабати, соҳада коррупцияга қарши курашиш ва шаффофликни таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини сўровномада қатнашганларнинг 30,8 % ижобий баҳолаб, 24,4 % коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижа бераётганлигини қайд этган.

Сўровномада қатнашган иштирокчиларнинг 44,9 % тоғ-кон саноати ва геология корхоналарининг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини кучайтириш лозимлигини қайд этишган.

Шу билан бирга, “Сизнингча, қандай чора-тадбирлар Кончилик ва геология соҳаси корхоналарида коррупцион ҳолатлар камайишига олиб келади?” деган саволга иштирокчилар томонидан “Соҳани рақамлаштириш, инсон омилини камайитириш, шаффофликни таъминлаш, ОАВда очиқ ҳисобот бериб бориш, ходимлар маошини ошириш” каби таклифлар тушган.

Аноним сўровнома натижасида бўйича 2024 йил давомида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

**9. Тизимда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва чек қўйиш, оқибатларини, шунингдек, ушбу иллатларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида қўйидаги вазифаларни белгилаб олинди:**

Вазирлик ва тизимдаги корхоналарда аниқланган коррупциоген омилларни инобатга олган ҳолда, уларнинг олдини олиш ва чек қўйиш, оқибатларини, шунингдек, ушбу иллатларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида таклифлар тайёрлаш;

тизимда давлат харидлари билан боғлиқ жараёнларни таҳлил қилиб бориш, инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрини шакиллантириш ва ҳар чоракда янгилаб бориш;

Вазирлик ходимлари томонидан ички тартиб қоидаларга, шу жумладан, “Одоб-ахлоқ кодекси” талабларига риоя этилишини ўрганиш, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича тизимли таҳлил ўтказиш;

соҳага оид ички меъёрий ҳужжатларни татбиқ этиш ҳамда тармоқ корхоналардаги комплаенс хизмати ходимларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш;

коррупцияга тааллуқли мурожаатларнинг адолатли ва холис кўриб чиқилишини таъминлаш, мазкур соҳада ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

тизимда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб борилишини ташкил этиш;

тизимда коррупция ҳолати, тенденциялари ва сабаблари, коррупцияга қарши кўрилган чоралар самарадорлиги тўғрисида жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича аноним сўровлар ўтказиш;

коррупцион хавф-хатарлар “юқори” бўлган лавозим ва йўналишларни ҳар чоракда таҳлил қилиш, натижаси бўйича вазирга ахборот тақдим этиб бориш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ҳар чоракда баҳолаш ва аниқланган ҳолатлар асосида қўшимча тадбирлар ишлаб чиқиш.